

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАТКУЛИЕВ УТКИРБЕК ИСМОИЛОВИЧ

**ПОРТАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯЛИ БЕМОРЛАРДА ҚОН КЕТИШИНИ
ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ ВА ДАВОЛАШДА КАМИНВАЗИВЛИ
АРАЛАШУВЛАР**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Маткулиев Уткирбек Исмоилович	3
Портал гипертензияли беморларда қон кетишини профилактика қилиш ва даволашда каминвазивли аралашувлар	
Маткулиев Уткирбек Исмоилович	31
Малоинвазивные вмешательства в профилактике и лечении кровотечений у больных с портальной гипертензией	
Matkuliev Utkirbek Ismoilovich	59
Miniinvasive intervention in prevention and therapy of bleeding in patient with portal hypertension.....	
Эълон қилинган ишлар рўйхати	64
Список опубликованных работ	
List of published works	

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАТКУЛИЕВ УТКИРБЕК ИСМОИЛОВИЧ

**ПОРТАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯЛИ БЕМОРЛАРДА ҚОН КЕТИШИНИ
ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ ВА ДАВОЛАШДА КАМИНВАЗИВЛИ
АРАЛАШУВЛАР**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib.15 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Каримов Шавкат Ибрагимович тиббиёт фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА ва РФА академиги
Расмий оппонентлар:	Чжао Алексей Владимирович тиббиёт фанлари доктори, профессор- Ибадильдин Амангельды Сейтказымович. тиббиёт фанлари доктори, профессор Хаджибаев Абдухаким Муминович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Asan Medical Centre (Сеул, Корея Республикаси)

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

А.В. Девятков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «жигар циррози (ЖЦ) йилига миллионга яқин инсоннинг ўлимига сабаб бўлади ва прогнозларга қараганда, яқин ўн йилликларда ушбу касаллик билан беморларлар сони 60% дан ортиқроққа кўпаяда»¹. Қизилўнгач ва ошқозон варикоз кенгайган веналаридан (ҚОВКВ) қон кетиш ЖЦ ва портал гипертензиянинг (ПГ) энг кўп учрайдиган ва дахшатли асоратларидан бўлиб ҳисобланади. «Ўзбекистон Республикасида ҳар йили 2000 дан ортиқ ҚОВКВдан қон кетиш ҳолатлари қайд этилади ва бирламчи қон кетишдаёқ ўлим кўрсаткичи 50% га етиши мумкин. Агар эндоскопик ва оператив усулларни қўлламаган ҳолда гемостазга эришилса, бир йил ичида рецидивлар 80-90% ҳолларда ривожланади»². Турли манбалар маълумотларига кўра, «қизилўнгач-ошқозондан қон кетишларда ЖЦ билан беморларда ўлим кўрсаткичи 30-60% деб баҳоланади»³. Шу сабабли, ушбу оғир беморлар гуруҳини даволашда минимал инвазив усулларга кўрсатмаларни кенгайтириш ҳисобига анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқишга эҳтиёж янада долзарб сезилмоқда.

Дунё миқёсида умуман хирургия, хусусан, эндоскопик хирургиянинг ривожланиши, беморнинг клиник ҳолати оғирлигидан қатъий назараралашув ҳажмини минималлаштиришга интилишга боғлиқ. ПГли ЖЦ билан беморларни эндоваскуляр ва эндоскопик аралашувлардан кейин даволаш самарадорлиги ва беморлар яшаб қолишини баҳолаш жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади. ҚОВКВдан қон кетиш билан асоратланган ЖЦ билан беморларда турли каминвазив аралашувларнинг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш йўли билан каминвазив диагностика ва даволаш усулларни қўллаш жиҳатлари бугунги кунда энг долзарблардан бўлиб қолмоқда. Ушбу гуруҳ беморларда каминвазив аралашувларнинг клиник самарасини яқин ва узоқ муддатларда баҳолаш билан бирга даволаш-тактик алгоритмларни ишлаб чиқиш масалалари сақланиб қолмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб аҳолига сифатли тиббий ёрдам ташкил этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди ва соғлиқни сақлаш тизимининг самарали моделлари татбиқ этилди. Ўтказилган тадбирлар натижасида, шу жумладан, ПГ синдромида каминвазив диагностика ва хирургик даволаш усулларини татбиқ этишда ижобий самараларга эришилди, эндоваскуляр, эндоскопик ва анъанавий даволаш усулларини босқичли қўллаш принциплари ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида, шу жумладан, хирургия бўйича

¹ World Health Organization. Burn disease: fact sheet no. 219. World Health Organization website. 2012. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs221/en>, accessed November 26.

² Здравоохранение в Узбекистане: факты и цифры. Ташкент. Узбекистан. - 2006. - 56 с.

³ Vuja Z, Arifi H, Hoxha E, Duqi S. Surgical treatment of burns sequelae. our experience in the Department of Plastic and Reconstructive Surgery, Pristina, Kosovo. // Ann Burns Fire Disasters. 2015 Sep 30;28(3):205-9.

хам, мақсадли чоралар ўтказилишига қарамай, ўз ечимини қутаётган бир қатор вазифалар мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида вазифалар белгиланган. Шунга мувофиқ равишда, ПГ туфайли келиб чиққан қон кетишларни профилактикаси ва даволашда замонавий, юқори технологик, каминвазив аралашувларни татбиқ этиш тадқиқот учун долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи¹. ҚОВКВдан қон кетиш билан асоратланган ПГли ЖЦ билан беморларни хирургик даволашдаги илмий-амалий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, шу жумладан, Department of Hepatology, Copenhagen University Rigshospitalet (Denmark), Department of Liver Diseases and Digestive Interventional Radiology of National Clinical Research Center for Digestive Diseases Fourth Military Medical University (China), Division of Gastroenterology, Department of Internal Medicine, Chonnam National University Medical School, (South Korea). Department of Internal Medicine I, University Hospital Regensburg, (Germany), Division of Gastroenterology and Hepatology University of Alabama at Birmingham in (USA), Centro de Investigación

¹Халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбаларни қўллаган ҳолда бажарилган: Busk TM, Bendtsen F, Henriksen JH, et al. Effects of transjugular intrahepatic portosystemic shunt (TIPS) on blood volume distribution in patients with cirrhosis. // Dig Liver Dis. 2017 Jun 27. pii: S1590-8658(17)30941-6.; Lv Y, He C, Wang Z, Guo W, et al. Association of Nonmalignant Portal Vein Thrombosis and Outcomes after Transjugular Intrahepatic Portosystemic Shunt in Patients with Cirrhosis. // Radiology. 2017 Jul 5:162266. doi: 10; Cho E, Jun CH, Cho SB, Park CH, Kim HS, Choi SK, Rew JS. Endoscopic variceal ligation-induced ulcer bleeding: What are the risk factors and treatment strategies? // Medicine (Baltimore). 2017 Jun;96(24):e7157. doi: 10; Buechler C, Haberl EM, Rein-Fischboeck L, Aslanidis C. Adipokines in Liver Cirrhosis. // Int J Mol Sci. 2017 Jun 29;18(7). pii: E1392; Massoud OI, Zein NN. The Effect of Transjugular Intrahepatic Portosystemic Shunt on Platelet Counts in Patients With Liver Cirrhosis. // Gastroenterol Hepatol (N Y). 2017 May;13(5):286-291; Hernández-Gea V, Berbel C, Baiges A, García-Pagán JC. Acute variceal bleeding: risk stratification and management (including TIPS) // Hepatol Int. 2017 Jun 20. doi: 10; Гальперин Э.И., Дюжева Т.Г., Ахаладзе Г.Г., Егоров В.И., Жигалова С.Б., Карагюлян С.Р., Котовский А.Е., Мусин Р.А., Чевокин А.Ю., Шерцингер А.Г. Лекции по гепатопанкреатобилиарной хирургии / Под ред. Э.И.Гальперина и Т.Г.Дюжевой. - М.: Видар, 2011. - 528 с.; Назыров Ф.Г., Девятов А.В., Бабаджанов А.Х. Портосистемное шунтирование - приоритетное направление профилактики пищеводно-желудочных кровотечений в хирургии портальной гипертензии у больных циррозом печени // Анн. хирург. гепатологии. - 2010. - Т.XV, №3. - С.36-41.

Biomédica en Red de Enfermedades Hepáticas y Digestivas (Spain), A.V.Вишневский номли хирургия институти (Россия), Тошкент тиббиёт академияси ва В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

ПГ билан беморлар диагностикаси ва хирургик даволаш бўйича дунёда ўтказилган тадқиқотлар пировардида қатор қуйидаги илмий натижалар олинган: «ЖЦнинг ягона радикал усули жигар трансплантацияси бўлиб, ундан кейин яшаб қолиш кўрсаткичлари биринчи йилда 86-96%га, 5 йил ичида эса 62-84%га етади, бироқ ушбу операция фақатгина декомпенсацияланган ЖЦда бажарилади, бу эса трансплантацияга қадар ўлим кўрсаткичи ва яшаб қолиш муддатини узайтириш учун турли чораларни қўллаш заруратини белгилайди»¹ (Gastro-Hepatology Unit, Department of Medical Sciences, University of Torino, Turin, Italy); «ўзининг каминвазивлиги туфайли трансъюгуляр жигаричи портосистем шунтлаш (TIPS) кўпчилик давлатларда ҚОВКВдан қон кетишлар профилактикасининг истиқболли усули бўлиб қолган. Бу фақатгина анъанавий операцияларга хос бўлган асоратларнинг ривожланиш ҳавфининг камайиши билангина эмас, унинг операция мумкин бўлмаган оғир беморларда ҳам бажариш мумкинлиги билан боғлиқ»² (Montefiore Medical Center/Albert Einstein College of Medicine, Department of Medicine, Bronx, New York); «сўнгги йилларда PTFE қопламли янги стентграфтлар ишлаб чиқилиши туфайли TIPS натижалари яхшиланган ва операциядан кейин қон кетиш рецидивларини 3 ойдан кейин 7,9%гача, 18 ойдан кейин 16,7%гача камайтириш имконини берган»³лиги аниқланган (Hepatopancreatobiliary Surgery Treatment Center, Taihe Hospital, Hubei University of Medicine, Shiyan, China); бироқ, Baylor College of Medicine, Department of Medicine, Section of Gastroenterology and Hepatology, USA мутахассисларининг таъкидлашларига кўра, «ПГли ЖЦ билан беморларда ҚОВКВдан қон кетишлар профилактикаси ва даволашда эндоскопик усуллар танлов усули бўлиб ҳисобланади ва бошқа камшикаст усуллардан фарқли ўлароқ кўп маблағ талаб қилмайди»⁴.

Хозирги вақтда дунёда ПГ туфайли қон кетиш рецидивлари диагностикаси ва даволашни яхшилаш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда, шу жумладан: ПГ коррекциясининг янги камшикаст, каминвазив усулларни ишлаб чиқиш; ЖЦ шаклланишининг эрта диагностикаси, унинг прогнози ва даволашнинг оптимал тактикаси; ПГли Ж билан беморларда эндоваскуляр ва эндоскопик аралашувлардан кейин даволаш самарадорлигини ва яшаб қолишни баҳолаш.

¹ Fonio P, Discalzi A, Calandri M, Doriguzzi Breatta A, et al. Incidence of hepatic encephalopathy after transjugular intrahepatic portosystemic shunt (TIPS) according to its severity and temporal grading classification. // Radiol Med. 2017 May 16. doi: 10.

² Krige JE, Shaw JM, Bornman PC. The evolving role of endoscopic treatment of esophageal varices. // Wld. J. Surg., 2005. - vol. 29. - pp. 966-973.

³ Lin LL, Du SM, Fu Y, Gu HY, et al. Combination therapy versus pharmacotherapy, endoscopic variceal ligation, or the transjugular intrahepatic portosystemic shunt alone in the secondary prevention of esophageal variceal bleeding: a meta-analysis of randomized controlled trials. // Oncotarget. 2017 May 24. doi: 10.

⁴ Mindikoglu AL, Pappas SC. New Developments in Hepatorenal Syndrome. // Clin Gastroenterol Hepatol. 2017 Jun 7. pii: S1542-3565(17)30672-9.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Бугунги кунда турли гепатологик мактаблар ЖЦ билан беморларда геморрагик синдром профилактикаси усулини танлашда турлича фикрга эгалар» (Orloff M.J.¹, Hernández-Gea V.²). Бу ҳолат ушбу муаммога турлича ёндашув мавжудлигини тасдиқлаб, унинг ичида «даволашнинг энг оптимал тактикасини танлаш учун олинган натижаларни ҳисобга олиб, гепатоportal гемодинамиканинг индивидуал хусусиятлари батафсил тавсифини таъминловчи ЖЦ билан беморлар комплекс диагностикасини такомиллаштириш илмий изланишнинг истиқболли йўналиши бўлиб қолмоқда» (Назыров Ф.Г.³; Glowka TR.⁴; Yamashiki N.⁵).

Адабиётларни таҳлил этиш жараёнида баъзи хирурглар консерватив давога мойилликлари аниқланади ва бу хирургик амалиётнинг юқори ҳавфи билан тушунтирилади. Бироқ, Lin L.L. фикрига кўра, «бугунги кунда ПГ туфайли қон кетишларни даволаш ва профилактикасида медикаментоз воситалар, эндоскопик, эндоваскуляр ва бошқа хирургик усуллар қўлланади. Мавжуд усулларнинг кўплиги уларнинг натижалари қоникарсизлигидан далолат беради». Муаллифнинг фикрига кўра, «консерватив давода ўлим кўрсаткичи 30-51,2%, хирургических даволанганда эса 26-40,6%ни ташкил этади»⁶. АҚШ штатларининг архив маълумотлари асосида 1486 та беморларда Zervos E.E. бошчилигидаги тадқиқотчилар томонидан проспектив рандомизацияланган таҳлил ўтказганида исботландики, «TIPSдан сўнг ўлим кўрсаткичи хирургик касалхонанинг савиясидан қатъи назар беморнинг оғирлигига боғлиқ бўлган, анъанавий шунтлардан кейин эса ўлим кўрсаткичи тиббиёт маркази савияси ва хирургнинг тажрибасига боғлиқ бўлган. TIPSнинг устунликларига қарамадан, муаллифлар хулосасига кўра, узок вақт кузатув мобайнида анъанавий шунтларнинг барчаси яшаб қолиш борасида ишончлироқ истиқболга умид бера олади»⁷. Rosemurgy A.S. et al., 2012⁸ фикрига кўра, ҚОВКВдан қон кетишлар эндоскопик профилактикаси жигар фаолиятига салбий таъсир этиш жиҳати бўйича ўзининг минимал

¹ Orloff MJ, Isenberg JJ, Wheeler HO, Haynes KS, Jinich-Brook H, Rapier R, Vaida F, Hye RJ. Emergency Portacaval Shunt Versus Rescue Portacaval Shunt in a Randomized Controlled Trial of Emergency Treatment of Acutely Bleeding Esophageal Varices in Cirrhosis-Part 3. // *Gastrointest. Surg.*, 2010. - vol. 14. - pp. 1782-1795.

² Hernández-Gea V, Berbel C, Baiges A, García-Pagán JC. Acute variceal bleeding: risk stratification and management (including TIPS) // *Hepatology Int.* 2017 Jun 20. doi: 10

³ Назыров Ф.Г., Девятков А.В., Бабаджанов А.Х. Портосистемное шунтирование - приоритетное направление профилактики пищевода-желудочных кровотечений в хирургии портальной гипертензии у больных циррозом печени // *Анн. хирург. гепатологии.* - 2010. - Т. XV, №3. - С.36-41.

⁴ Glowka TR, Kalff JC, Schäfer N. Clinical Management of Chronic Portal/Mesenteric Vein Thrombosis: The Surgeon's Point of View. // *Viszeralmedizin.* 2014 Dec;30(6):409-15.

⁵ Yamashiki N, Sugawara Y, Tamura S et al. Outcomes after living donor liver transplantation for acute liver failure in Japan: results of a nationwide survey // *Liver Transpl.* 2012. - vol. 18, N 9. - pp. 1069-77.

⁶ Lin LL, Du SM, Fu Y, Gu HY, et al. Combination therapy versus pharmacotherapy, endoscopic variceal ligation, or the transjugular intrahepatic portosystemic shunt alone in the secondary prevention of esophageal variceal bleeding: a meta-analysis of randomized controlled trials. // *Oncotarget.* 2017 May 24. doi: 10.

⁷ Zervos EE, Osborne D, Agle SC et al. Impact of Hospital and Surgeon Volumes in the Management of Complicated Portal Hypertension: Review of a Statewide Database in Florida. // *The American Surgeon*, 2010. - vol. 76. - pp. 263-269.

⁸ Rosemurgy AS, Frohman HA, Teta AF, Luberic K, Ross SB. Prosthetic H-graft portacaval shunts vs transjugular intrahepatic portosystemic stent shunts: 18-year follow-up of a randomized tri. // *Am. Coll. Surg.*, 2012. - vol. 214, N 4. - pp. 445-53.

хавфи билан ажралиб туради ва бу унинг бошқа усуллар орасида рақобатбардошлиги белгилаб беради.

Адабиётларда келтирилган маълумотлар тахлили ПГ бўлган ЖЦ билан беморларни хирургик даволаш натижалари сезиларли яхшиланган, бунда каминвазив эндоваскуляр, эндоскопик ва анъанавий даволаш усулларини навбатма-навбат, босқич билан қўллаш асосий долзарб ва белгиловчи муаммо бўлиб ҳисобланади, бу эса даволаш-диагностик тактикани янада такомиллаштиришни талаб этади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ИТСС-31.7 «Портал гипертензияни даволашнинг комплекс эндоваскуляр усулларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш» (2010-2012йй.) илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: самарали каминвазив аралашув усулларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш йўли билан жигар циррозли беморларда қизилўнгач ва ошқозондан қон кетишларни даволаш ва профилактикаси натижаларини яхшилаш

Тадқиқотнинг вазифалари:

ПГли ЖЦ билан беморларда ҚОВКВ эндоваскуляр жигар орқали эмболизациясининг клиник самараси ва уларнинг яшаб қолишини баҳолаш;

эндоскопик склеротерапия ва эндоскопик лигатуралаш натижалари ва ундан сўнг беморларнинг яшаб қолиш кўрсаткичларини қиёсий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

ҚОВКВ эндоваскуляр жигар орқали эмболизацияси ва эндоскопик услларнинг яқин ва узоқ муддатлардаги натижаларининг жамланма таркибини аниқлаш;

ҚОВКВдан қон кетиш билан асоратланган ЖЦ билан беморларни комплекс даволашда ТПСнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

ҚОВКВдан қон кетиш билан асоратланган ЖЦ билан беморларда эндоскопик аралашувлар ўтказишда тактик-техник жиҳатларни такомиллаштириш;

ҚОВКВдан қон кетишларда даволаш-тактик алгоритмни ишлаб чиқиш; каминвазив аралашувлардан сўнг яқин ва узоқ муддатларда ишлаб чиқилган тактик алгоритмнинг клиник самарадорлигини баҳолаш;

эндоваскуляр ва эндоскопик аралашувлардан сўнг ЖЦ билан беморларнинг яшаб қолиш кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2000-2015 йилларда Тошкент тиббиёт академияси II клиникаси ва Чоннам миллий университети госпиталида (2014 йилдаги МоU 9-сон ҳамкорлик меморандуми асосида) даволанган ҚОВКВдан қон кетиш билан асоратланган ЖЦ билан 447 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб постгеморрагик реабилитациянинг комплекс дастуридан фойдаланиб хирургик ёрдамнинг замонавий юқори технологик каминвазив усулларини қўллаган ҳолда портал генезли қон

кетишларни тўхтатиш ва профилактикасида хирургик тактика самарадорлигининг таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш мақсадида: умумклиник, эндоскопик, нур ташхис, ангиографик, интеграл тизимли ва статистик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЖЦ билан беморларда ҚОВКВ эндоваскуляр жигар орқали эмболизацияси ва эндоскопик усуллардан сўнг яқин ва узоқ муддатларда қизилўнгач ва ошқозондан қон кетишларни даволаш ва профилактикаси салбий натижалари ривожланишининг ноқулай омиллари аниқланган;

нафақат қон томир, балки паренхиматоз декомпенсация бор ҳолида ЖЦнинг ривожланиб бориши гепатолиенал хавза артериал ўзанининг сезиларли қайта қурилиши билан кечиши исботланган;

дарвоза системаси ангиоархитектоникасини кузатиш бўйича операция вақтидаги травматик ва кейинги тромбоемболик асоратларнинг олдини олиш учун мезентерикография, қайтувчи портографияни ўз ичига олган TIPS ва чап ошқозон вена эмболизациясини бажариш принциплари оптималлаштирилган;

гастроэзофагеал коллекторни ажратиш радикаллигини таъминлаш ва қон кетиш рецидивлари частотасини камайтириш имконини берувчи GOV-1 ва 2 турдаги варикоз кенгайган веналарни эндоскопик лигатуралашнинг оригинал усули ишлаб чиқилган;

яқин муддатларда қон кетиш рецидивлари сонининг камайиши ва склерозланган вена деворининг яраланишининг олдини олиш билан тавсифланувчи микроқўпикни паравазал ва интравазал юбориш йўли билан босқичли склерозлашни ўз ичига олган қизилўнгач варикоз кенгайган веналарини склерозлашнинг муаллифлик усули ишлаб чиқилган;

ЖЦ билан беморларнинг оғир гуруҳини даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган хавф омиллар гуруҳи ва замонавий босқичда ушбу патологияни даволашда доминант ҳолатлар бўйича шароитни полипозицион баҳолашга асосланган ҚОВКВдан қон кетишларда даволаш-диагностик тактика алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҚОВКВ эндоваскуляр жигар орқали эмболизацияси ва эндоскопик усулларни яқка ҳолда қўллаш геморрагик синдром рецидивлари ривожланиши тўлиқ профилактикасининг нисбатан кичик имконияти билан боғлиқ, бу эса ушбу гуруҳ беморларни босқичли олиб боришга комплекс ёндашиш зарурлигини белгилаб берган;

эндоваскуляр ва эндоскопик аралашувлардан сўнг ЖЦ билан беморларда қониқарсиз натижалар ва яшаб қолиш кўрсаткичларининг омилли таҳлили муаммоли масалаларни аниқлаш ва шу йўл билан ҚОВКВдан қон кетиш фаоллиги ва бўлиб ўтганидан сўнгги беморларни олиб беришининг оптимал комплекс дастурини ишлаб чиқиш имконини берган;

ПГли ЖЦ билан беморларда эндоваскуляр аралашувлар талокқа артериал қон келишнинг редукциясига эришиш ва талоқ артерияси бўйича гипердинамик ҳолатни бартараф қилиш ҳамда жигарнинг артериал қон билан таъминланиши яхшилаш жиҳатидан кўриб чиқилиши мумкинлиги аниқланган;

TIPS ва гепатолиенал ҳавза қон томирларида бошқа эндоваскуляр аралашувлар бажариш учун беморларни танлашнинг таклиф этилган амалий мезонлари ҚОВКВдан қон кетиш рецидивлари ривожланиш ҳавфини камайтириш ва ЖЦ билан беморларнинг яшаб қолиш узок муддатли прогнозини оптималлаштириш имконини берган;

ПГли ЖЦ билан беморлар учун Республикамизда илк бор муваффақият билан TIPS муолажаси қўлланган ва аралашувни ўтказишнинг оптимал муддатлари аниқланган ва ушбу беморларни операциядан кейин олиб бориш принциплари ишлаб чиқилган;

ҚОВКВдан қон кетишларда оригинал эндоскопик усуллар ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга татбиқ этилган, натижада гастроэзофагеал коллекторни ажратиш радикаллиги таъминланган ва кузатувларнинг яқин ва узок муддатларида операциядан кейинги қон кетиш рецидивлари частотасини камайтириш имконини берган;

ҚОҚВКдан қон кетиш билан асоратланган ЖЦ билан беморларда каминвазив аралашувларни қўллашга дифференциалланган ёндашув оригинал алгоритми ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектив клиник, биокимёвий, инструментал, нур ташхис текширув усулларининг маълумотлари билан асосланган. Статистик таҳлил олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар, хулосалар ва таклифлар назарий аҳамият касб этиши, ҚОВКВдан қон кетиш билан асоратланган ЖЦ билан беморлар диагностикаси ва даволаш хусусиятларини ўрганишга сезиларли ҳисса қўшганлигидан иборат. ПГда ҚОВКВдан қон кетиш билан беморларда қон кетиш ҳавфининг оригинал прогностик мезонлари, каминвазив аралашувларга тайёрлаш ва олиб бориш принциплари, TIPS бажариш муддатлари ва кўрсатмалари, эндоскопик аралашувларнинг оригинал усуллари таклиф қилинган. Ишнинг айрим натижалари ЖЦ патогенези, клиникаси, диагностикаси, хирургик даволаш ва интенсив даволашга бағишланган мавзулар бўйича курсантларни ўқитиш дастурининг таркиби ва тузилишини такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга татбиқ этилган ЖЦ билан беморларда ҚОВКВдан қон кетиш ҳавфини прогнозлашнинг оригинал усули каминвазив аралашувларни бажариш муддати ва ҳажмини белгилаш имконини беради, уни қўллаш эса хирургик даво натижаларини яхшилаш, операциядан кейинги асоратлар частотасини ва ўлим кўрсаткичини сезиларли камайтириш, шифохонада беморларнинг даволаниш муддатларини қисқартириш имконини беришидан иборат.

Варикоз веналар кардиал соҳага ўтиш ҳолатида уларни эндоскопик лигатуралашнинг клиник амалиётга татбиқ этилган оригинал усули операциядан кейинги эрта ва узоқ муддатларда қон кетиш рецидивларининг частотасини камайтириш имконини берган. ПГ билан беморларда каминвазив эндоскопик аралашувларни TIPS ва талоқ қон оқимининг эндоваскуляр редукциясини қўллаган ҳолда дифференциал ёндашувнинг ишлаб чиқилган алгоритми хирургик даволаш тактикасини танлаш жараёнини оптималлаштириш ва операциядан кейинги эрта асоратлар частотасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ПГли ЖЦ билан беморларнинг диагностикаси ва даволашни яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қизилўнғач ва ошқозон варикоз кенгайган веналарини эндоскопик лигатуралаш ҳамда қизилўнғач варикоз кенгайган веналарини склерозлаш бўйича методлар ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 10 майдаги 8н-д/35-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган усуллар гастроэзофагеал коллекторни ажратишнинг самарадорлигини ошириш ва қон кетиш рецидивлари частотасини 19,1% дан 7,1% гача камайтириш имконини берган;

қизилўнғач ва ошқозон варикоз кенгайган веналаридан қон кетишни даволаш ва профилактика алгоритми ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 10 майдаги 8н-д/35-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот натижасида қон кетиш рецидивлари частотасини 16,4% дан 4,2% гача, жигар етишмовчилиги жадаллашуви хавфини 21,6% дан 14,9% гача камайтириш, шифохонадаги ўлим кўрсаткичини 20,3% дан 7,0% гача қисқартириш имконини берган;

ПГ туфайли келиб чиққан қон кетиш билан беморларни даволаш бўйича диссертация ишининг олинган натижалари Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникасига, Тошкент шаҳар шошилинич тиббий ёрдам клиникасига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 10 майдаги 8н-д/35-сон маълумотномаси). Таклиф этилган алгоритм ва эндоскопик гемостазнинг янги усуллари ЖЦда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш кўламини сезиларли кенгайтириш ва, умуман олганда, даволашнинг умумий самадорлиги 77,2% дан 91,6% гача яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий конгресс ва конференцияларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 11 та мақола, улардан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация ишининг долзарблиги ва талабгирлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ифодаланган, илмий янгилик ва натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти келтирилган, иш натижаларининг апробацияси ва нашр этилганлиги, диссертация ҳажми ва қисқача тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қизилўнгач ва ошқозоннинг варикоз кенгайган веналаридан қон кетиши кузатилган беморларда даволаш-диагностика тактикасини танлашда замонавий тенденциялар”** деб номланган биринчи бобда адабиётлар шарҳи берилган бўлиб, у ҚОВКВ этиопатогенези, анатомияси ва морфофункционал шаклланиши, қизилўнгачдан қон кетиши рецидивининг кучайиши хатари прогноз мезонлари масалаларига бағишланган бешта бўлимдан иборат. Қизилўнгачдан қон кетишили ЖЦга чалинган беморларда даволаш тактикасини танлашдаги тенденциялар тақдим этилган. Портал генез қон кетишини даволашнинг эндоваскуляр ва эндоскопик усулларининг қиёсий характеристикаси берилган. Келгусида изланишлар ва ишланмаларни талаб қилувчи баҳсли ва ҳал этилмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Материал ва қўлланилган тадқиқот усулларининг клиник характеристикаси”** деб номланган иккинчи бобда ЖЦ фонида қизилўнгач ВКВдан қон кетган ва эндоваскуляр ва эндоскопик аралашув амалга оширилган 447 нафар бемор характеристикаси берилган.

Улардан 400та ҳолатда беморлар 2000-2015 йилларда Тошкент тиббиёт академияси хирургик клиникасида ва 47 нафар бемор 2003-2015 йилларда Чоннам Университети Миллий Госпиталида (TIPS – трансюгуляр жигаричи портотизимли шунтлаш ўтказилган) даволанган. Барча беморлар икки гуруҳга бўлинди: назорат ва асосий. Анъанавий эндоваскуляр ва эндоскопик даволаш усулларини олган 232 нафар бемордан иборат назорат гуруҳи материалида касаллик бориши таҳлили ўтказилган, асоратлар кучайиши даражаси ва муддатлари белгиланган, ҳаёт давомийлиги ва ўлим ҳолатлари сабаблари аниқланган. Асосий гуруҳга (215 нафар бемор) ҳам шошилиш тарзда, ҳам муддатли кўрсатмаларга кўра ишлаб чиқилган усуллар ва даволаш алгоритмлари асосида эндоваскуляр ва эндоскопик аралашув ўтказилган беморлар кирди (1- жадвал).

Беморлар ёши 15дан 77 ёшгача фарқланди (ўртача ёш – 37,6 ёш). Эркаклар 384 нафар, аёллар – 104 нафар. Диагноз комплекс кўздан кечириш асосида белгиланди, унга лаборатория усуллари, ошқозон-ичак трактининг эндоскопик текширилиши, УТТ, МРТ, МСКТА, ангиографик тадқиқотлар кирди.

**Назорат ва асосий беморлар гуруҳларида каминвазивли аралашувлар
характеристикаси**

Каминвазивли аралашувлар турлари	Назорат гуруҳи (n=232)		Асосий гуруҳ (n=215)	
Жигараро ҚОВКВ эмболизацияси	46	19,8%	3	1,4%
Қизилўнгач ВКВ ЭС	94	40,5%	29	13,5%
Қизилўнгач ВКВ ЭЛ	92	39,7%	76	35,3%
GEV 1 ва 2 турида ЭЛ	-	0,0%	42	19,5%
TIPS	-	0,0%	65	30,2%
Жами	232	100%	215	100%
Талок қон оқими эндоваскуляр редукцияси (қўшимча амалиёт сифатида)	28	12,1%	72	33,5%

ҚОВКВнинг N. Soehendra, K. Binmoeller таснифи бўйича эндоскопик верификацияси II босқич назорат гуруҳида 49 (21,1%) ҳолатда ва асосий гуруҳда 36 (16,7%) ҳолатда; III босқич 138 (59,5%) ва 125 (58,1%) нафар беморда, GOV-1, GOV-2 45 (19,4%) ва 54 (25,1%) нафар беморда белгиланганлигини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Портал гипертензияли жигар циррозига чалинган беморларни эндоваскуляр ва эндоскопик даволашнинг анъанавий усуллари натижаларининг омилли таҳлили”** деб номланган учинчи бобида ЖЦ ва ПГли 232 нафар бемор (назорат гуруҳи)ни даволаш натижалари таҳлиliga асосланган тадқиқот ўтказилди, уларда 46 та ҳолатда ТАЭ билан комплекда ҚОВКВ тери-жигар орқали эмболизациясининг эндоваскуляр усули ва 92 ҳолатда анъанавий усул бўйича эндоскопик лигирлаш қўлланилди. Эндоваскуляр ва эндоскопик аралашувлар самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари қуйидагилар бўлди: қон кетиши тўхтатилишининг самарадорлиги, яқин ва узоқ муддатда қон кетиши рецидивларининг олдини олиш имконияти, асоратлар ва ўлим ҳолатининг камайиши. Узоқ муддатда натижалар яхши, қониқарли ва қониқарсиз тарзида баҳоланди.

Яқин даврда (госпитал босқичи) геморрагик синдром рецидиви профилактикаси борасида усулларнинг умумий самарадорлиги ҚОВКВ эндоваскуляр трансжигар эмболизациясидан кейин 65,2% (46 бемордан 30 нафари), ЭСдан кейин 71,3% (94 нафардан 67 нафар) ва ЭЛдан кейин 89,1% (92дан 82)ни ташкил қилди. Қайд этиш лозимки, эндоваскуляр аралашувда анатомик ёки техник мураккабликлар 25 нафар беморда (54,3%) (самарадорликнинг бундай паст даражаси шу билан изоҳланади), шунингдек, қон кетиш энг яқин рецидиви энг юқори даражаси – 23,9% (11 нафарда) кузатилди. ЭС гуруҳида бу кўрсаткичлар тегишлича 14,3% (фаол қон кетиши кузатилган 35 бемордан 5 нафарида) ва 19,1% (94 нафар бемордан 18 нафарида), ЭЛда эса – 16,7% (фаол қон кетиши кузатилган 6 нафар беморнинг 1 нафари) ва 9,8% (92 нафардан 9 нафар) кузатилди. Умумий ўлим

ҳолатлари 34,8% (46 дан 16), 22,3% (94 дан 21) ва 10,9% (92 дан 10)ни ташкил этди.

Клиник самарадорликнинг асосий омиллари (усулнинг асорати, жигар етишмовчилигининг кучайиши, ҚОВКВдан қон кетиши рецидиви, умумий ўлим ҳолати ва усулнинг умумий самарадорлиги) бўйича ҚОВКВ эндоваскуляр трансжигар эмболизацияси ва ЭС гуруҳлари ўртасида қиёсий жиҳатдан ишончли фарқлар олинмади (χ^2 мезони – 4,104; Df=5; P=0,336). Ўз навбатида, кўрсатилган мезонлар бўйича ЭЛ шубҳасиз энг яхши бўлди (ЭСли гуруҳга нисбатан – χ^2 мезони – 15,192; Df=5; P=0,002; эндоваскуляр аралашув гуруҳига нисбатан – χ^2 мезони – 16,026; Df=5; P=0,001).

Алоҳида натижаларни баҳолаш кўрсатдики, шифохонадан чиққач, ЖЕ кучайиши эндоваскуляр аралашув гуруҳида 21 нафар бемордан 5 нафарида (23,8%), қон кетиш рецидиви 13 нафарда (61,9%) кузатилди, 2 йиллик кузатув давомида умумий ўлим ҳолати 61,9% (13 нафар бемор), яшаб кетиш А классда – 55,6% (9 дан 5 нафар), В классда – 28,6% (7 дан 2) ва С классда – 20% (5 дан 1)ни ташкил қилди. ЭС гуруҳида 61 нафар бемордан ва ЭЛда 75 нафар бемордан ушбу кўрсаткичлар 57,4% (35) ва 38,7% (29) – ЖЕ бўйича; рецидивлар – 34,4% (21) ва 24,0% (18); ўлим ҳолати – 63,9% (39) ва 41,3% (31) тарзида тақсимланди. Яшаб кетиш кўрсаткичлари яхшироқ бўлди ва ЭСдан кейинги гуруҳда А классда – 63,6% (11 дан 7), В классда – 36,8% (38 дан 14) ва С классда – 8,3% (12 дан 1) ҳамда ЭЛли гуруҳда, тегишлича, 80,0% (10 дан 8), 68,3% (41 дан 28) ва 33,3% (24 дан 8)ни ташкил қилди. 24 ойлик кузатув давомида яшаб кетишнинг жамланма кўрсаткичи эндоваскуляр эмболизациядан кейин 38,1% (21 дан 8), ЭСдан кейин 36,1% (61 дан 22) ва ЭЛдан кейин 58,7% (75 дан 44) ни ташкил қилди.

Қиёслаш гуруҳларида қон кетиш рецидивлари ва бу асоратдан ўлим ҳолатлари даражаси, шунингдек, мининвазивли аралашувлардан кейин яқин ва узоқ муддатга жамланма натижалар 2- жадвалда берилган. ҚОВКВ эндоваскуляр трансжигар эмболизациясидан кейин яхши натижалар улуши атиги 6,5%ни, қониқарли натижалар – 10,9%ни, қониқарсизлар – 63,0%ни ташкил қилди, 19,6% беморлар такроран мурожаат қилмадилар ва уларнинг натижалари ноаниқ.

Даволаш натижаларига асосланиб, минимал хатар билан энг яхши натижага эришиш мумкин бўлган жигараро аралашувга кўрсатмаларни аниқлаш мумкин. Аннотацияланган материал кўрсатишича, А классдаги ЖЕли беморлар гуруҳида жигар орқали аралашувда ўлим ҳолати 7,1%ни ташкил қилди, беморларнинг 92,9%ига ижобий динамика ва қониқарли ҳолатда шифохонадан рухсат берилди. Бу ҳол жигараро эндоваскуляр аралашувларни қўллашдаги ижобий натижаларнинг кўрсатмалари ва предикти А классдаги ЖЕ бошланғич ҳолати саналишига далолат беради. Эндоскопик аралашувлар ривожланиши даврида қизилўнгач ВКВда бу усулини муқобил деб, ошқозон ВКВда эса – танлов усули деб ҳисоблаш мумкин.

Эндоваскуляр ва эндоскопик усуллар натижалари

Кўрсаткич	Тери жигар оркали ҚОВКВ эмболиз.		Эндоскопик склеротерапия		Эндоскопик лигирлаш	
	Мутл.	%	Мутл.	%	Мутл.	%
Шошилинч аралашувларда самарали гемостаз *	9	69,2%	24	68,6%	5	83,3%
Госпитал даврида гемостазнинг умумий самарадорлиги	31	67,4%	67	71,3%	82	89,1%
24 ойда умумий ўлим ҳолати	29	63,0%	60	63,8%	41	44,6%
Яхши натижалар	3	6,5%	8	8,5%	17	18,5%
Қониқарли натижалар	5	10,9%	14	14,9%	27	29,3%
Қониқарсиз натижалар	29	63,0%	60	63,8%	41	44,6%
Натижалар номаълум (тадқиқотдан тушиб қолган)	9	19,6%	12	12,8%	7	7,6%

Портал генездаги ўткир қизилўнгач-ошқозон қон кетишида эндоскопик лигирлаш ва склеротерапияни қўллаш 68,6-83,3% ҳолатларда қон кетишини тўхтатишга, беморларнинг икки йиллик яшаб қолишини, жигараро аралашув олган беморларга қараганда, 58,7% га кўпайтириш имкон беради. Бунда портал генез қон кетишини бошидан ўтказган беморлар яшаб кетишига таъсир кўрсатувчи энг муҳим прогноз омиллари уларнинг Child-Pugh бўйича функционал классга мансублиги ва қон кетиши рецидивининг кучайиши саналади. Эндоскопик даволаш дастуридан кейинги варикоз қон кетиши рецидиви кучайиши билан боғлиқ асосий омил ошқозон кардиал қисми варикоз веналари эндоскопик эрадакциясига эришишнинг мавжуд эмаслиги бўлди, у бизнинг кузатувларимизда ЭС ва ЭЛдан кейин тегишлича 44,9% ва 20,2%ни ташкил этди. Варикоз кенгайган веналарни эндоскопик лигирлашни қўллаш, склеротерапиядан изоляцияли фойдаланишга солиштирганда, эрадикацияли беморлар улушининг ортиши билан рўй беради, бу рецидивлар ва ўлим ҳолатларининг даражасини шубҳасиз камайтиради. Даволаш эндоскопик дастурини ўтказиш йўли билан қизилўнгач ва ошқозон варикоз веналаридан қон кетиши рецидивининг кучайиши хатарини камайтириш ЖЦли беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини беради. Бироқ ПГ ва ЖЕ сақланиб қолиши туфайли, эндоскопик аралашувлар қўлланилишининг узок муддатли натижалари қувонарли эмас. Бу ҳол даволаш тадбирлари комплексига ЖЕни камайтиришга қаратилган эндоваскуляр аралашувларни киритиш заруриятига далолат қилади.

Шу тариқа ЖЦли беморларда эндоваскуляр усуллари изоляцияли қўллаш (чап ошқозон венаси эмболизацияси, талоқ артерияси эмболизацияси) 2 йиллик яшаб кетишнинг паст кўрсаткичи билан характерланади – 38,1%, бу бажаришнинг тез-тез учровчи анатомик ва

техник мураккабликлари билан – 54,3%гача, нобарқарор бирламчи гемостаз – 30,8%, ҚОВКВдан қон кетиши рецидиви кучайишининг юқори даражаси – 52,2%, ўлим ҳолати хатари – 32,6% билан изоҳланади.

Склеротерапиянинг турли усулларига қиёслаганда ЭЛнинг клиник афзалликлари ноэффektiv бирламчи гемостаз даражасининг 31,4% дан 16,7%га, ҚОВКВдан қон кетиши рецидиви хатарининг яқин муддатда 19,1% дан 9,8% га, узок муддатда 34,4% дан 24,0%га тушиши, шунингдек 2 йиллик яшаб кетиш кўрсаткичларининг 36,1% дан 58,7%гача яхшиланиши саналади. Бирок, умумий олганда, уларнинг изоляцияли қўлланилиши геморрогик синдром рецидивлари кучайишининг тўлиқ профилактикасининг нисбатан юқори бўлмаган имконияти билан боғланган, бу ҳол ПГли ЖЦга чалинган ва ҚОВКВдан қон кетиши хавфи бўлган беморларни даволаш бўйича бошқа даволаш усуллари қўшилган комбинацияланган ёндашувни танлаш имкониятини берувчи тактик алгоритмларни ишлаб чиқиш заруратини тақозо қилади.

ҚОВКВ эндоваскуляр трансжигар эмболизациясида 2 йилгача кузатув муддатида даволашнинг яхши натижалари улуши 6,5%ни, қониқарли натижалар – 10,9% ни ташкил қилди (63% – қониқарсиз; 19,6% – натижалари номаълум), шу пайтнинг ўзида ЭС бу кўрсаткичларни фақат 8,5% ва 14,9%га ўзгартиради (63,8% – қониқарсиз; 12,8% – натижалари номаълум), ўз навбатида, энг яхши кўрсаткичлар ЭЛли гуруҳда кузатилди – 18,5% ва 29,3% (44,6% – қониқарсиз; 7,6% – натижалари номаълум).

Диссертациянинг **“Портал генез қон кетишини даволашда трансюгуляр жигаричи портотизимли шунтлаш”** деб номланган тўртинчи бобида ушбу турдаги аралашув натижалари келтирилган.

TIPSни техник амалга оширишнинг амалда барча масалалари аллақачон илмий-амалий янгилик бўлмай қолган ва бугунги кунда асосан амалиётнинг самарадорлигини белгиловчи портожигар стентлар специфик қоплами вариантлари кўрилаётган эса-да, шунга қарамай, ушбу аралашув борасидаги ўз тажрибамизни ёритиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бунинг сабаби қуйидагилардир: биринчидан, ушбу тадқиқот Республикада илк бора ўтказилди ва биринчи марта маҳаллий диссертациявий тадқиқотда ёритилди; иккинчидан, тадқиқот ПГ эндоваскуляр хирургияси соҳасида ўз мамлакатларида етакчилик қилувчи иккита клиника – ТТА ва Чоннам Миллий Университети Госпитали (Корея Республикаси)даги клиник кузатувларни қамраб олади; учинчидан, диссертация ишида тақдим этилган методологик ёндашувларни қайта ишлаш Республикадаги қизилўнғачдан қон кетиш асоратили ЖЦга чалинган беморлар яшаб кетиши фоизини оширибгина қолмай (бу патология ўлка миқёси даражасига киритилган), жигар трансплантацияси дастурини сезиларли оптималлаштириб, мамлакатимизда амалга оширишга яқинлаштириш имконини беради; кейинги муҳим жиҳат олинган қониқарли натижалар биз томонимиздан ишлаб чиқилган ҚОВКВдан фаол қон кетиши кузатилган ЖЦли беморларни комплекс даволаш тактикасига TIPSни қўшиш имконини берганлигидир.

Асос сифатида 2014–2015 йилларда ТТА иккинчи клиникасига ётқизилган 18 нафар ва 2003–2013 йилларда Чоннам Миллий Университети Госпиталига (Корея Республикаси) ётқизилган 47 нафар, ҚОВКВдан қон кетиши кузатилган ЖЦли беморларни комплекс клиник текширув ва даволаш таҳлили олинди.

TIPS қўлланилишининг принципи – жигар етишмовчилиги кучайишини истисно қилувчи, қизилўнғач-ошқозондан қон кетиши хатарини камайтириш ва жигар қон оқимини сақлаш мақсадида портал босимини самарали пасайтиришдир. Ушбу икки тоифа асоратлар талоқ қон оқими эндоваскуляр редукциясини, ҚОВКВ жигар орқали эмболизацияси ва эндоскопик гемостаз қўлланилгандан кейин узоқ муддатда нохуш – ўлим – ҳолатларнинг асосий сабабчиси бўлганлиги ҳисобга олинса, у янада каттарок аҳамият касб этади. Шу сабабли ҚОВКВдан рецидивли қон кетиши кузатилган 61 нафар (93,8%) беморда TIPS қон кетишини тўхтатишнинг ягона усули сифатида қўлланилди.

Асцит суюқлиги мавжудлигида ва жигарнинг қалин паренхимасида жигар ва дарвоза веналарини анатомик мўлжалга олиш мураккаблигига қарамай, TIPS бажарилишининг техник муваффақияти 85,5%ни, веноз фазаси ангиографияси ва лапароцентез МСКТ қўлланилганда (зўрайган асцитларда) эса, 58 ҳолатда кузатилди (89,2%).

TIPSдан кейин яққол ижобий самара гепаторенал синдромли беморларда кузатилди, уларда диуретик препаратлар фонида ўртача суткалик диурез $1,2 \pm 0,18$ л, кейин эса – $2,3 \pm 0,44$ л.ни ташкил қилди, бунда беморлар диуретиклар дозасини кескин камайтиришди.

52 та ҳолатда TIPS голометалл стентларни қўллаш ва 5 та ҳолатда диаметри 8-10 мм ва узунлиги 6 дан 10 см.гача бўлган стент-графтдан фойдаланиш орқали амалга оширилди. Аниқландики, муваффақиятли шунтлашда стентлагандан 5-10 дақиқа кейин дарвоза венасида босим ўртача 25-30%га пасаяди. Барча ҳолатларда босим градиентининг $21,1 \pm 4,5$ мм.сим.уст. дан $13,7 \pm 1,1$ мм.сим.устга тушиши қайд этилди. 42та ҳолатда, муваффақиятсиз эндоскопик уринишлардан кейин, TIPS вақтида ҚОВКВ (чап ва калта ошқозон веналари) тармоқлари қўшимча эмболизацияси 95,5% ҳолатларда қон кетишини тўхтатиш имконини берди.

